

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ҚУРИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ТАШКИЛИЁТИ КАФЕДРАСИ

ШОМИРЗАЕВ Э.А., ИЛЪЯСОВ А.Т.

ҚУРИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РЕЖАЛАШТИРИШ
фанидан “5340200-Бино ва иншоотлар қурилиши”, 5340900 “Кўчмас мулк
экспертизаси ва уни бошқариш” йўналиши учун
услубий қўлланма

ТОШКЕНТ 2013

Қўлланма “5340200-Бино ва иншоотлар қурилиши”, 5340900 “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларнинг “Қурилишни ташкил этиш ва режалаштириш” фанидан курс лойиҳасини ва диплом лойиҳасининг ҚТЭР қисмини бажариш учун ишлаб чиқилган.

Услубий қўлланмада курс лойиҳаси ва диплом лойиҳасини бажариш тартиби ва кетма-кетлиги баён этилган. Қурилиш майдончасидаги тайёргарлик ишларидан тортиб, барча қурилиш ва махсус (сантехник, электротехник) ишларининг тугашигача бўлган, алоҳида бино ва гуруҳ биноларнинг қурилиши билан боғлиқ бўлган қурилиш монтаж ишларининг бутун йиғилмасини ўз ичига олади. Услубий қўлланманинг мақсади талабаларни мустақил ишлари учун йўл-йўриқ кўрсатиш, назарий билимларини мустаҳкамлаш ва курс лойиҳаси ва диплом лойиҳасини бажарилиши сифатини яхшилашдир.

Тақризчилар: доц. Расулов В.

“Менежмент” каф. доц. Р.Гимуш

Тошкент Архитектура қурилиш институти илмий услубий кенгашининг
10 декабр 2013 йил 3-сонли баёни асосида чоп этилмоқда.

УМУМИЙ ҚИСМ

Мазкур услубий қўлланма “Қурилишни ташкил этиш ва режалаштириш” фанидан курс лойихасини бажариш учун мўлжалланган.

Услубий қўлланмада курс лойихаси таркиби ва мазмуни ҳамда курс лойихасини бажаришда ишларни ташкил этишга қуйилган талаблар келтирилган. Курс лойихасини бажариш жараёнида лойиханинг қуйидаги бўлимлари ишлаб чиқилади: объект буйича ишлаб чиқариш ишлари календар режаси (тўрсимон график ёки тақвимий график), объект ер устки қисми қурилиши давридаги қурилиш бош тарҳи.

Курс лойихаси таркиби: чизма қисми ҳажми 1 та А1 ёки 2 та А2 форматдаги қоғозда ва А4 форматдаги қоғозда 25-30 бет ҳисоб – тушунтириш хатидан иборат бўлади.

Ҳисобий – тушунтириш хатида курс лойихасини бажариш учун топшириқ, бошланғич маълумотлар, кириш қисми, қурилиш ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг қабул қилинган усуллари орқали асосланган, услубий қўлланма буйича олиб борилган ҳисоблар, лойиха буйича техник – иқтисодий кўрсаткичлар ва адабиётлар руйхати акс эттирилади.

Объект буйича берилган вариантдаги бошланғич маълумотларга кўра қуйидагилар бажарилиши лозим:

➤ Кириш қисмида объектнинг конструктив ва ҳажмий тавсифларига таъриф берилиши, объект қурилиш жойи қабул қилиниши лозим, қурилиш объектига бевосита яқин жойлашган ва қурилиш жараёнида фойдаланиши режалаштирилган транспорт коммуникациялари ва муҳандислик тармоқларига таъриф берилади;

- Объект қурилиши календарь режасини ишлаб чиқиш зарур:
 - Меҳнат сарфи ва машина вақти қайдномаси тузилади;
 - Тўрсимон график карточка – аниқловчи ишлаб чиқилади;

- Тўрсимон график бошланғич кўрсаткичлари буйича чизиқли графикли қурилади;

- Ишчиларга бўлган эҳтиёж графиги қурилади.

- Қурилиш бош тарҳи лойихаланади:

- Монтаж механизмлари, вақтинча йўллар ўзаро боғланади, қурилиш майдончасида бино ва коммуникациялар жойлаштирилади;

- Вақтинча бинолар ҳисобланади;

- Омборлар майдони ҳисобланади;

- Вақтинча электр таъминоти лойихаланади.

- Курс лойихаси чизма қисми бажарилади.

Курс лойихаси ҳар бир варианты бошланғич маълумотлари таркибига:

- Қурилиш объекти тавсифлари (1 – илова);

- Йиғма элементлар қайдномаси (2 - илова);

- Турар жой ва жамоат бинолари буйича бажариладиган ишлар қайдномаси (3 – илова);

- Саноат бинолари буйича бажариладиган ишлар ҳажми қайдномаси (4 – илова);

- Бино ўлчамлари ва тарҳлари (курс лойихаси варианты ҳар бир талабага алоҳида берилади).

1.1. Меҳнат сарфи ва машина вақти қайдномасини тузиш

Меҳнат ва машина вақти сарфларини компьютерда ва қуйида келтирилган тартибда бажариш мақсадга мувофиқ.

Объект бўйича бажариладиган ишлар (3 ёки 4 илова) қайдномаси ва вақт меъёрига кўра меҳнат сарфи ва машина вақти (5 – илова) қайдномаси тузилади. (1 – жадвал).

1 - Жадвал

Умумий қурилиш ишлари учун меҳнат сарфи ва машина вақти қайдномаси

№	Ишларнинг номланиши	Ишлар ҳажми		Вақт меъёри		Меҳнат сарфи		Ишчиларнинг звено таркиби
		Ўлчов бирлиги	Сони	Меъёр киши - соат	Меъёр Маш.- соат.	Киши-кун	Маш.-см	
1	2	3		5	6	7	8	9

Киши – кун ва машина – смена ҳисобига кўра 1 та смена давом этиш муддати 8 соатга тенг деб қабул қилинади. Қайднома якунида меҳнат ҳажми йиғиндиси қиймати келтирилади.

Умумий қурилиш ишларига сарфланадиган меҳнат ҳажми аниқланганнан сўнг махсус қурилиш ва ускуналарни монтаж қилиш ишларига сарфланадиган меҳнат ҳажми ҳисобланади.

Саноат объекти учун технологик ускуналар монтаж қилиш ҳажми умумий қурилиш ишлари ҳажми йиғиндисининг 40 % ини, турар жой ва фуқаро бинолари – 12 % ни, ускуналар монтажи меҳнат ҳажмининг 12 % ини ишга тушириш – созлаш ишларига сарфланадиган меҳнат ҳажми ташкил этади.

Ички санитар – техник ишларига сарфланадиган меҳнат ҳажми умумий қурилиш ишларининг 10 %, электр монтаж ишлари – 8% ни, худудни

ободонлаштириш ишлари – 4% ни, коммуникация киритиш ишлари 2%, тайёргарлик даврида бажариладиган ишлар 10 % ни ташкил қилади.

Инобатга олинмаган қурилиш ишларини бажаришга сарфланадиган меҳнат (хоналарни тозалаш, объектни топширишга тайёрлаш ва бошқа майда қурилиш ишлари) ҳажми қурилиш ишлари йиғиндисининг 15 % и миқдорида қабул қилинади. Бу ишларнинг ҳаммасига сарфланадиган меҳнат ҳажми миқдори 2 – жадвалда келтирилган.

2 – Жадвал

Махсус монтаж ишларига сарфланадиган меҳнат сарфи қайдномаси

№п. п.	Ишларнинг номланиши	Меҳнат сарфи, киши.-кун	Ишчилар нинг звено
1.	Қурилишмайдонини таёрлаш		5 киши.
2.	Ускуналарни монтаж қилиш		5 киши.
3.	Жихозларни созлаш ишлари		4 киши.
4.	Электромонтаж ишлари		8 киши.
5.	Сантехника ишлари		8 киши.
6.	Коммуникация		7 киши.
7.	Ободонлаштириш		5 киши.
8.	Кўзда тутилмаган ишлар		5 киши.

1 ва 2 жадвал якуний қийматларига кўра жами объект буйича сарфланадиган меҳнат ҳажми йиғиндиси аниқланади.

1.2. Қурилиш ишлаб чиқариш усулини танлаш

1.2.1. Ишлар бажарилишини оқим усулида ташкил этиш

Бинонинг ҳажмий – тарҳий ва конструктив ечими таҳлили асосида қурилиш ишлаб чиқаришни ташкил этиш усули танланади. Қурилишни белгиланган муддатда тугатиш учун объектда ишларни максимал даражада биргаликта бажаришни таъминлаш зарур. Бу талабни бажариш учун эса қурилиш ташкил этишнинг оқимли усулидан фойдаланиш лозим. Оқимли усулни амалга оширишда ишлар руйхати шундай гуруҳланиб тузуладики, ҳар бир ишлар мажмуаси малакали таркибли ишчилар бригадаси ёки звеноси томонидан бажарилиши мумкин бўлсин. Бунда касблар ўзаро боғлиқ ҳолда алмаштирилиши инобатга олинади.

Мас малакали таркибли бригада ёки звено томонидан бажариладиган ҳар бир иш тури меҳнат ҳажми берилган иш мажмуасига таалуқли ҳамма ишлар бажарилишига сарфланадиган меҳнат қийматлари йиғиндисидан аниқланади.

Бинонинг бир турдаги қисмларини гуруҳлаш йўли билан объект қамров (бўлим) ларга бўлинади (турар жой бинолари кириш жойи ёки хоналари, саноат биноларида ҳаракат чоклари билан ажратилган оралиқлар ёки унификациялаштирилган блоклар, жамоат биноларида уларнинг ҳажмий-тарҳий ечимлари бўйича ва ҳ.к.). Кўп қаватли бинолар шунингдек яруслар бўйича бўлинади. Қамровлар сони объектда бажариладиган ишлар кўламига боғлиқ ва бино алоҳида қисмларини гуруҳлаш йўли билан аниқланади, курс лойиҳасида 2 ёки 3 та деб қабул қилинади. Иш ҳажми қамровлардаги иш ҳажмига пропорционал равишда тақсимланади. Алоҳида қамровлар ва ярусларда бажариладиган ишлар мустақил ишлар бўлиб ҳисобланади, улар бўйича қурилиш муддати, ресурсларга бўлган эҳтиёж аниқланади ва тўрсимон график карточка – аниқловчига киритилади.

1.2.2. Кран танлаш уни боғлаш ва ҳаракатланиш зонасини (минтақасини) аниқлаш

Асосий қурилиш машинаси – кранни танлаш 3 босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда барпо этилаётган объект ўлчамлари, унинг ҳажмий – тарҳий ечимига кўра 11 – иловадан кранлар гуруҳи танланади

(конструкцияси ҳаракатланиш имкониятлари, юриш мосламасига кўра). Иккинчи босқичда танланган гуруҳ ичида кран маркалари талаб қилинган максимал юк кўтариш қобилияти, стрела чиқиш жойи, кўтариш баландлигига кўра танланади. Учинчи босқичда танланган кранлар иқтисодий жиҳатдан таққосланади ва ҳисоб асосида нисбатан кичик ҳажмли кран қабул қилинади.

Иқтисодий жиҳатдан самарали кран танлашда ижара ҳаққини ҳисоблаш асос қилиб олинади:

$$A_n = C_{\text{маш.-соат}} \cdot T_{\text{ч}} + \sum E,$$

бунда A_n —кранни ижарага олиш ҳақи, сўм;

$C_{\text{маш.-соат}}$ —крандан фойдаланиш машина-соат баҳоси, сўм;

$T_{\text{соат}}$ —кранни объектда ишлаш вақти, соат;

$\sum E$ —бир вақтдаги сарфлар йиғиндиси, сўм (шу жумладан E_1 — кран жойини ўзгарттириш, E_2 — асосий стрелани қайта жиҳозлаш, E_3 — 1 метр йўл ёки 1 та пойдевор ўрнатиш);

X —стрела узайишлари миқдори;

$$T_{\text{ч}} = \sum Q / \Pi_{\text{р}},$$

бунда $\sum Q$ —монтаж қилинадиган элементлар умумий вазни, т (2 илова);

$D_{\text{н}}$ - кран ости йўллари узунлиги, 12,5 м га каррали қилиб олинади (1 та звено узунлиги).

$\Pi_{\text{р}}$ —кранниг ўртача соатлик иш унумдорлиги, т/с.

Юқорида келтирилган формулалар асосида танланган кранларни иқтисодий жиҳатдан таққосланади .

Таққосланаётган стрелали кранлар техник – иқтисодий тавсифлари

Марки	$C_{\text{маш.-соат}}$ Р.	Пр, т/ч	ΣQ , т	E_1 , р	E_2 , р	Х, дона	E_3 , р	$D_{\text{п}}$, м
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Таққосланаётган минорали кранлар техник-иқтисодий тавсифлари

Кран маркаси	$C_{\text{маш.-соат}}$	Пр, т/ч	E_1 , р.	E_3 , р.	$D_{\text{п}}$, м
1	2	3	4	5	6

Объектлар бош фасади қарама-қарши томонига кран жойлаштирилади. Минорали кранлар кран ости йўллари буйлама боғлаш учун чекка устунлар, кран базаси, тормоз ва боши берк йўллар орасидаги масофа инобатга олиниши лозим. Кран ости йўллари умумий узунлиги ярим звено узунлиги (6,25м)га қаррали бўлиши ва 25 м дан кам бўлмаслиги лозим.

Ўзиюрар стрелали кранлар ёрдамида монтаж қилишда, уларнинг ҳаракатланиш йўллари, тўхташ жойлари кўрсатилиши лозим.

Саноат ва фуқаро биноларини монтаж қилишда қўлланиладиган кранлар асосий тавсифлари 11 – иловада келтирилган.

1.3.Тўрсимон график ишлари давомийлиги муддатини аниқлаш

Ҳар бир иш турида сарфланадиган машина вақти ва меҳнат ҳажми ҳамда бригада сон таркиби ва машиналар миқдоридан келиб чиқиб, тўрсимон график ишлари давом этиши муддати аниқланади.

Сонлар паст томонга яхлитланиб муддат аниқланади, меҳнат унумдорлиги 3-5% га ошиши режалаштирилади.

Механизациялаштирилмаган ишлар (қисман механизациялаштирилгани) давомийлиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$T = Q/(N \times n), \quad (1)$$

бунда T -иш давомийлиги, кун;

Q -иш меҳнат ҳажмлари, киши-кун;

N - сменадаги ишчилар сони, киши;

n - иш сменалилиги, $n = 1, 2$ ёки 3 .

Механизациялаштирилган ишлар қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$T = M / (K \times n), \quad (2)$$

бунда M - ишлаб чиқариш ишларига сарфланадиган машина вақти, маш.-см.;

K - ишлар бажарилишида қатнашадиган машиналар сони.

Бажариладиган ишлар ўз ичига механизациялаштирилган ва механизациялаштирилмаган жараёнларини олса, бундай ишлар давом этиши муддати ҳисобланган (1) ва (2) формулалар каттароқ қийматлари бўйича олинади.

1.4. Тўрсимон график карточка-аниқловчини ишлаб чиқиш

Қурилиш ишларининг бажарилиш технологик ва ташкилий кетма-кетлигини белгилаш учун тўрсимон график тузилади. (3 – жадвал).

Тўрсимон график карточка-аниқловчи

Ишлар ар коди	Ишларни ниг номлани ши	Бажарил ган ишларни нг меҳнат ҳажми, киши-	Бригада да ишчила р сони, киши	Қабул қилинган машина ва механизм лар маркаси	Сони- маш- смен	Маши на сони	Суткада ги смена сони	Ишлар давомийл иги кун
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Тўрсимон график ҳамма ишлари карточка-аниқловчига киритилади. Ундан кейин ишлар бажарилиши сменаси ва давом этиш муддати (яхлит кунларда), ресурслар истеъмоли тўрсимон графикка қуйиб чиқилади.

1.5. Тўрсимон графикни тузиш (қуриш)

Қурилиш ишларининг бажарилиш кетма-кетлигини белгилаш учун тўрсимон график тузилади. Қурилишни оқим усулида ташкил этишда ишлар технологик кетма-кетликда жойлаштирилади, қамровлар буйича бошланиш ва тугатиш муддатлари боғланади. Ҳар бир қамровда қурилиш ишларини бажарилиши тўрсимон графигининг мустақил иши сифатида кўриб чиқилади.

Технологик ускуналарни монтаж қилиш, ишга тушириш – созлаш ишлари, коммуникациялар киритиш ишлари графикда умумий қурилиш ишларига боғланиб жойлаштирилади ва қамровларга бўлинмайди.

Худудни тайёрлаш, ободонлаштириш ва ҳисобга олинмаган бошқа ишлар бажарилиши тўрсимон график мустақил иши бўлиб ҳисобланади ва қамровларга бўлинмайди. Ишлар бажарилишининг технологик ва ташкилий кетма-кетлиги белгиланганидан кейин тўрсимон график қурилади.

1.6. Тўрсимон график ҳисоби

Тўрсимон график вақтинча кўрсаткичлари компьютерда, қўлда ёки бевосита графикнинг ўзида мавжуд усуллар ёрдамида ҳисобланади.

Ҳисоблар натижасида олинган критик йўл муддати объект қурилиши меъёрий муддати билан таққосланади (1 – илова). Критик йўл муддати берилган муддатдан ошса, механизациялашмаган ишларда қўшимча ишчилар звенолари киритилиб, критик ишлар муддати қисқартирилади. Бундан ташқари, тўрсимон график топологиясини оқимли усул киритиб ўзгартириш мумкин.

Берилган катталиқдан критик йўл муддати қиймати 15% кичик бўлса, звено ва машиналар сони қисқартирилиб сменаларни камайтирилиб, критик йўл узайттирилади.

Тўрсимон графигини қурилиш муддатини берилган қийматига келгунига қадар ўзгарттирилади:

$$T_n \geq T_{кр} \geq 0,75 T_n$$

1.7. Эрта муддатлар бўйича чизикли график қуриш, ишчиларга бўлган эҳтиёж эпюрасини яратиш, иш вақти захираси ҳисобига ишчилардан бир текисда фойдаланишни оптималлаштириш

Тўрсимон график ҳисобидан кейин фойдаланиш учун қулай шаклда тақдим қилиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Бунинг учун иш кунлари календарь кунларига утказилиб жадвал кўринишига келтирилади. Жадвалнинг юқоридаги сатри қурилиш йилини, кийинги сатрлар – ойлар, календарь ва ишчи кунларини аниқлайди. Кейинги 1 – 2 горизонталь чизикларга критик йўлда ётган ишлар белгиланади. Қолган ҳамма ишлар эрта муддатлар кўрсаткичлари бўйича шундай жойлаштирилади – ки, унда ишлар ўзаро кесишишмасин ва устма – уст тушиб қолмасин. Ҳар бир критик олди йўлидан кейин пунктир чизик қалам билан чизилиб, вақт захирасининг умумий ва қисман захиралари муддати тасвирланади.

Ҳар бир иш сменасида суткалар давомида (бир ёки бирнечта смена) уни бажаришда банд ишчилар сони белгиланади.

Вақт масштабида бажариладиган чизикли график тагига ҳар бир календар кунида ишлаб чиқариш ишларида банд ишчиларга бўлган эҳтиёж эпюраси курилади.

Суткасига ишлайдиган ишчилар умумий сонини аниқлаш ва ишчи кадрларга бўлган эҳтиёж эпюрасини қуриш учун бир вақтда бажариладиган ишлардаги банд ишчилар сони йиғиндисини аниқлаш зарур. Ресурслар истеъмоли бир текисдалиги суткасига ишлайдиган ишчилар максимал миқдорини вақт бирлигидаги ишчилар ўртача сонидан оғиш даражаси билан баҳоланади:

$$K_p = N_{\max}/N_{\text{ср}}, (3)$$

бунда K_p - ресурслар истеъмоли бир текисда эмаслиги коэффициенти;

$N_{\max}$ - суткасига ишлайдиган ишчиларнинг максимал миқдори, киши;

$N_{\text{ср}}$ - суткасига ишлайдиган ишчиларнинг ўртача миқдори, киши.

Ишчилар ўртача сонини аниқлаш учун тўрсимон графикдаги ҳамма ишлар умумий меҳнат ҳажми критик йўл муддатига бўлиниб аниқланади.

Тўрсимон графикни оптималлаштириш унинг параметрларини вақт ёки ресурсларни берилган чекловларга келтиришдан иборат.

Тўрсимон график таҳлили натижасида ресурсларга бўлган эҳтиёж қурилиш ташкилоти қувватидан ортиқчалиги маълум бўлса ёки ресурслардан нотекис фойдаланилса, шунингдек, вақт бўйича қурилиш жараёнлари бирга бажариш кўрсаткичи K_c , тўрсимон график кучланиш кўрсаткичи K_n , тўрсимон графиктаги критик вақт кўрсаткичи $K_{к.в.}$, тўрсимон графиктаги вақт захираси $K_{з.в}$ кўрсаткичи қабул қилинган чекловларга мос келмаса, графикни бу чекловларга мослаштириш зарур. Бу ҳолда ишчи ресурслардан бир текисда фойдаланишни оптималлаштириш зарур. Берилан ҳолда оптималлик критерийси вазифасини ўртача $N_{\text{ср}}$ га тенг ишчилар сонидан фойдаланиш, K_p ишчилар истеъмоли нотекислиги коэффициенти ёки берилган объект қурилишида **бетиним** ишлайдиган махсус звено ёки бригадалар ушрайди.

Ресурслар истеъмоли нотекислиги коэффициенти катталиги $1,5 \leq K_p \leq 1,7$ чегарада бўлиши лозим. Бу коэффициент катталиги белгиланган қийматдан фарқ қилса, тўрсимон график ресурслар буйича ўзгарттирилади.

Тўрсимон график вақт бирлигида ресурсларни максимал истеъмолини минималлаштириш буйича компьютерда ёки қўлда оптималлаштириш ресурсларни нотекис истеъмол қилиш коэффициенти белгиланган қийматига эришгунча олиб борилади.

Вақт буйича қурилиш жараёнларини биргаликда бажариш кўрсаткичи қуйидагича аниқланади:

$$K_c = \Sigma t_{i-j} / T_{кр.} \quad 2 \leq K_c \leq 4 \quad (4)$$

бунда: Σt_{i-j} —ишлар кетма-кет бажарилганда ҳамма қурилиш жараёнлари бажарилиши муддати йиғиндиси;

$T_{кр}$ — критик йўлнинг давомийлиги.

Тўрсимон график кучланиши кўрсаткичи қуйидагича аниқланади:

$$K_n = \Sigma P_{кр} / \Sigma P_{i-j} \times 100\% \quad 12\% \leq K_n \leq 15\% \quad (5)$$

бунда: $\Sigma P_{кр}$ — тўрсимон графиктаги критик ишлар йиғиндиси;

ΣP_{i-j} — ҳамма ҳақиқий ишлар ва тармоқдаги кутишлар йиғиндиси(қалбаки ишлар ҳисобга олинмайди).

Тўрсимон графиктаги критик вақт кўрсаткичи буйича аниқланади:

$$K_{к.в.} = T_{кр.} / \Sigma t_{i-j} \times 100\% \quad K_{к.в.} \leq 30\% \quad (6)$$

Тўрсимон графиктаги вақт захираси кўрсаткичи қуйидагича аниқланади:

$$K_{р.в.} = \Sigma r_{i-j} / T_{кр.} \quad K_{р.в.} \geq 0,8 \quad (7)$$

бунда: Σr_{i-j} — тўрсимон график эркин вақт захиралари йиғиндиси.

Бажарилган ҳисоб ишлари тушунтириш хатида келтирилади. Берилган бўлим буйича чизма материал таркибига тўрсимон график,

оптималлаштиришдан олдинги ва кейинги ишчилар эҳтиёжи эъёраси ва уни календарлаштириш киради.

2. ҚУРИЛИШНИНГ БОШ ТАРҲИНИ ЛОЙИХАЛАШ

2.1. Қурилишнинг бош тарҳини лойихалашга қўйиладиган умумий талаблар

Объектли қурилиш бош тарҳи бино ер устки қисмини барпо этиш даври учун қурилиш объекти бош тарҳи асосида, ишлаб чиқариш рационал усулларини танлаш буйича қабул қилинган ечимлари, асосий ресурсларга (ишчилар, асосий қурилиш машиналари ва механизмлари, қурилиш материаллари ва конструкциялари) бўлган эҳтиёж асосида ишлаб чиқилади.

Қурилиш бош тарҳи қўйидаги шартли кетма-кетликда ишлаб чиқилади ва акс эттирилади:

- қурилиш бош тарҳида қуриладиган объект, мавжуд бино, иншоот, доимий йўллар, ер ости коммуникациялар ва электр таъминоти тармоқлари;
- танланган кранларни қуриладиган объектга, унинг ҳамма ҳаракатланиш зоналарини (минтақа) кўрсатиб баҳоланади;
- вақтинча утиш йўллари тармоғини лойихалаш;
- материаллар, конструкция ва ускуналар сақланадиган вақтинча омборлар майдонини ҳисоблаш;
- вақтинча бино ва иншоотлар турини танлаш ва майдонларини ҳисоблаш;
- вақтинча электр билан таъминлашга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш, кучланган ва ёритиш тармоқларини трассировкалаш, қурилиш бош тарҳига электр манбалари пунктларини белгилаб киритиш;
- вақтинча сув билан таъминлашга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш, вақтинча сув қувири ва канализация тармоқларини;
- қурилиш бош тарҳида ҳимоя мосламаларини (тўсинлар, ўтиш кўприкчалари, тўшамалар ва ҳ.к).

2.2. Монтаж механизмларини боғлаш, вақтинча йўллари лойихалаш, қурилиш майдончасига бино ва коммуникацияларни жойлаштириш

Қурилатган бино олдида монтаж кранларни ўрнатиш учун бино ва кран орасидаги ҳавфсиз масофа сақланиши лозим. Чизмаларда қурилатган бино ўқларига кран ва кран ости йўллари боғлаб кўрсатилади, шунингдек ишчи, монтаж ва кранлар ҳавфли минтақалари кўрсатилади: монтаж (унда омборлар бошқа иншоотлар жойлаштириш таъқиқланади), ишчи (материаллар сақланадиган омборлар, конструкцияларни тушириш ва йириклаштириб йиғиш жойлари), ҳавфли унинг чегарасида вақтинча бинолар жойлаштириш мумкин эмас. Ҳавфли минтақа чегараси билан қурилиш майдончаси тўсиғича бўлган масофа 1,5 м дан кичик бўлмаслиги керак.

Транспорт ҳаракатланиши ва қурилиш майдончасида вақтинча йўллар жойлашиши схемаси ҳаракатланиш минтақасига монтаж кранлари, юклаш-тушириш механизмлари ва омборларга ўтиш жойлари инобатга олиниб лойихаланади. Автотранспорт ҳаракатланиш схемасини ишлаб чиқишда ҳалқали қурилиш йўллари кузда тутилиши лозим, уларнинг боши берк қисмларига тарқаладиган ва айланиб оладиган майдончалар ўрнатилади. Йўл эни бир томонлама ҳаракатланишда – 3,5 м, 2 томонлама ҳаракатланишда – 6м, айланиш минимал радиуси 12 м деб қабул қилинади. Объект олди омборлари ёнидаги материаллар тушириш минтақасида эни 6 м, узунлиги 12-18 м ли майдонча ўрнатилади. Вақтинча йўл ва омбор орасидаги минимал масофа - 1дан 1,5 м гача бўлади. Йўллар ҳавфли қисмлари штрих билан белгиланади. Қурилиш майдончасидан чиқиш жойида ғилдираклар ювиш пункти жойлаштирилиши лозим. Омборлар вақтинча йўллар бўйлаб боғланади, юк тушириш майдонлари учун кенгайтирилган жойлар кўзда тутилади.

Ёнғин ҳавфсизлиги қоидаларига кўра объект атрофига 6 м дан кичик бўлмаган кенгликдаги айланма ўтиш жойини лойихалаш лозим.

Қурилиш майдончасида очик омборларни монтаж крани ҳаракатланиш зонасига жойлаштирилади.

Вақтинча бинолар кранлар хавфсиз ишлайдиган минтақалар ва қурилиш амалга оширилмайдиган майдонларга жойлаштирилади. Маиший хоналар қурилиш майдончасига кириш жойларига ва қурилиш объектларидан 50 м узоқликда жойлаштирилади. Вақтинча бинолар орасидаги масофа 6 м дан кам бўлмаслиги лозим. Маиший шаҳарчалар ҳамма зарурий вақтинча мухандислик тармоқлари: электр ёрдамида ёритиш, сув қузури, канализация, электр ёрдамида иситиш, телефонлаштириш билан таъминланиши зарур. Битта ишчига маиший шаҳарчада тўғри келадиган майдон 8-36 кв.м ни ташкил этиши керак. Нисбатан ишга жойлашган иш жойлари билан ҳожатхона ва иситиш хоналари орасидаги масофа 100-150 м дан ошмаслиги керак. Вақтинча трансформатор подстанцияси электр кучланишлари марказида ва электр энергияси истеъмолчилардан 250 м дан узоқ бўлмаган жойга жойлаштирилиши лозим. Ундан бевосита истеъмолчиларга электр тортиб кетилади. Тармоқ айланма ёки радиал бўлиши мумкин. Қурилиш майдончасини ва вақтинча биноларни ёритиш учун ҳаво электр тармоғи кўзда тутилади. Қурилиш майдончасига ёритгичлар ёритиладиган ҳудуд тархй хусуиятлари ва ишлаб чиқариш ишлари олиб бориладиган айрим майдонлар вазифаларига кўра жойлаштирилади. Ўт ўчириш гидрантлари йўлдан 10 м дан кам бўлиши ва гидрантлар орасидаги масофа 100 м дан кам бўлиши керак эмас.

Мачталар қурилиш майдончаси периметри бўйича ёки бевосита ёритиладиган ҳудудга ўрнатилади. Ёритгичлар орасидаги масофа улар ўрнатилган баландликдан 4 карра баландликдан ошмаслиги зарур (30-300м).

Вақтинча сув билан таъминлаш тармоқлари доиравий, берк ёки аралаш чизма бўйича ўрнатилади. Сув қузури тармоғи орасидаги масофа 150 м бўлган узоқликда, барпо этиладиган бинодан 5-50 м ва йўл чеккасидан 2 м дан узоқ бўлмаган жойдан ёнғин гидрантлари ўрнатилади.

2.3. Вақтинча бино ва иншоотлар майдонларини ҳисоблаш

Вақтинча бинолар майдони ва уларга бўлган эҳтиёж мос меъёрлар буйича ишлайдиганлар умумий сонига кўра ҳисобланади (6 - илова). Вақтинча бинолар контейнерли, ҳаракатланадиган ёки йиғма-ажратиладиган бўлиши мумкин. Ишчилар умумий сонини топиш учун бир суткада фаолият юритадиган ишчилар максимал сони (оптималлаштиришдан кейин ишчиларга бўлган эҳтиёж қаралсин) 1,16 коэффициентига (ИТХ – 8%, хизматчилар – 5%, МОП ва қўриқлаш – 3%) кўпайтирилади. Вақтинча бинолар майдонлари ҳисоби натижалари 4 жадвалга киритилади.

4 – Жадвал

Вақтинча бино ва иншоотлар майдонлари

Биноларнинг номланиши	Кишилар, сони	1 кишига меъёр	Ҳисобланган майдон, кв.м	Қабул қилинган майдон, кв.м	Пландаги ўлчамлари	Бинолар сони
1	2	3	4	5	6	7

2.4.Материаллар, буюм ва конструкциялар сақланадиган вақтинча омборлар майдонини ҳисоблаш

Омбор майдони ишлар олиб бориш қабул қилинган технологияси, тури, сақлаш усули, материаллар эгаллайдиган фойдали майдон, қабул қилиш ва тарқатиш, ўтиш йўллари ёрдамчи майдони киради. Омбор майдонлари

ўлчамлари материал ва конструкцияларга бўлган эҳтиёж ҳамда омборда сақлаш меъёрларига кўра тўрсимон график ишлари бажарилиши муддатлари асосида аниқланади. Омборлар майдони ҳисоби натижалари 5 – жадвалга киритилади.

5 – Жадвал

Вақтинча очик ва ёпиқ омборлар майдони

Материалларнинг номланиши, ўлчов бирлиги.	Сони	Материалларнинг ишлатилиш муддати, кун	Суткалик эҳтиёж	Ҳисобий сақлашни муддати, кун	Материалнинг ҳисобланган захираси	материалларнинг жойланиш меъёри	Омборнинг ҳисобланган меъёри, кв.м	Омборнинг қабул қилинган майдони кв.м
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Материал ва конструкциялар ҳисобий захираси суткалик эҳтиёжини сақлашнинг ҳисобий даврига кўпайтмасидан аниқланади. Омбор ҳисобий майдони ҳисобий захира ва омборда сақлаш меъёрий қийматини купайтмасидан иборат. Омбор қабул қилинадиган майдони таркибига зарурий материаллар захираси сақланадиган ҳисобий майдондан ташқари автомобиль, йўловчилар ўтиж жойлари, материаллар очик сақланадиган ёрдамчи хоналар эгаллайдиган майдонлар ҳам киради (7 – илова).

Тархдаги омборлар ўлчамлари сақланадиган материал ва конструкциялар габаритларидан келиб чиқиб аниқланади. Омбор эни юклаш – тушириш машиналари кўрсаткичига, узунлиги тушириш жойи катталигига боғлиқ.

2.5. Қурилиш майдонини электр таъминоти билан таъминлаш

Курс лойихасида вақтинча электр билан таъминлашни лойихалаш электр қабул қилгичлар белгиланган қуввати ва электр энергияси максимал сарфи

даврида истеъмолчилар турларига дифференцияллаш талаби коэффиценти буйича амалга оширилади:

$$\mathcal{E}_{\text{тр}} = \alpha(\mathcal{E}_C \cdot K_C / \cos \varphi_C + \mathcal{E}_T \cdot K_T / \cos \varphi_T + \mathcal{E}_{\text{ОВ}} \cdot K_{\text{ОВ}} / \cos \varphi_{\text{ОВ}} + \mathcal{E}_{\text{ОН}} \cdot K_{\text{ОН}} / \cos \varphi_{\text{ОН}}) \quad (8)$$

бунда α -тармокдаги йўқотишларни ҳисобга олувчи коэффиценти, $\alpha = 1,1$ деб қабул қилинади;

$\cos \varphi$ — қувват коэффиценти, истеъмолчилар сони ва юкланишларга боғлиқ;

K - талаблар коэффиценти, истеъмолчилар сонига боғлиқ (K_C , K_T , $K_{\text{ОВ}}$, $K_{\text{ОН}}$);

$\mathcal{E}_C$ —истеъмолчилар кучланиш қуввати, кВт;

$\mathcal{E}_T$ - технологик эҳтиёжлар истеъмолчилари қуввати, кВт;

$\mathcal{E}_{\text{иё}}$ —ички ёритиш мосламалари қуввати, кВт;

$\mathcal{E}_{\text{тё}}$ — ташқи ёритиш мосламалари қуввати, кВт

Электр энергияси истеъмолчилари қувватлари тавсифлари 9 – иловада келтирилган.

10 илова маълумотларига кўра трансформатор станцияси танланади. Ёритиш мосламалари зарурий миқдори ташқи ёритиш учун қуйидаги формула буйича аниқланади:

$$\eta = (\mathcal{E}_{\text{с.қув}} \cdot E \cdot S) / \mathcal{E}_L, \quad (9)$$

где η —ёритиш лампалари сони;

$\mathcal{E}_{\text{с.қув}}$ —қувват,

ёритиш прожекторлари учун: ПЗС-35 $\mathcal{E}_{\text{с.қув}} = 0,25-0,4$ Вт/кв.мхлк,

ПЗС-45 $\mathcal{E}_{\text{с.қув}} = 0,2-0,3$ Вт/кв.мхлк;

E - ёритилганлик, лк;

S —ёритилиши зарур бўлган юза, кв.м;

$\mathcal{E}_L$ —ёритиш лампаси қуввати, Вт,

ПЗС-35 $\mathcal{E}_L = 500$ Вт ва 1000 Вт, да

ПЗС-45 $\mathcal{E}_L = 1000$ Вт ва 1500 Вт. да

2.6.Вақтинчалик сув билан таъминлаш ҳисоби

Вақтинча сув билан таъминлаш ишлаб чиқариш, хўжалик-маиший ва ёнғинга қарши эҳтиёжларни қондириш учун мўлжалланган. Сувга бўлган эҳтиёж ҳисоби сув энг кўп истеъмол қилинадиган давр учун ҳисобланади. Бунинг учун белгиланган меъёрлардан келиб чиқиб, истеъмолчилар гуруҳларига кўра сувнинг суткалик сарфи аниқланади (8 – илова).

Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун (Q_{np}) сарфланадиган сув сарфи:

$$Q_{np} = 1,2 [\Sigma Q_{срх} R_{np} / 8 \times 3600] (\text{л/с}), \quad (10)$$

бунда $Q_{срх}$ – сменада сарфланадиган ўртача ишлаб чиқариш сув сарфи, л;

R_{np} – сув истеъмоли нотекислиги коэффиценти, $R_{np} = 1,5$.

Хўжалик – маиший эҳтиёжларга сарфланадиган ($Q_{хўж}$) сув миқдори:

$$Q_{хўж} = N \times q \times R_{хўж} / 8 \times 3600 (\text{л/с}), \quad (11)$$

бунда N – сменадаги энг кўп ишчилар сони, киши.;

q – 1 киши истеъмол қиладиган сув меъёри, $q = 20 - 30$ л;

$R_{хўж}$ – сув истеъмоли нотекислиги коэффиценти, $R_{хўж} = 2,7$.

Ёнғинга қарши мақсадларда минимал сарфланадиган сув миқдори:

$Q_{ёнг} = 10$ л/с (10 га дан кичик қурилиш майдончалари учун).

Ҳисобий сув сарфи йиғиндиси $Q_{ум}$ қуйидагича аниқланади:

$$Q_{ум} = Q_{np} + Q_{хўж} + Q_{ёнг}, (\text{л/с}) \quad (12)$$

Сув қувури диаметри тармоғи қуйидагича аниқланади:

$$D = \sqrt{4000 Q_{умум} / \pi \times v}, (\text{мм}) \quad (13)$$

бунда v – қувурлардаги сув оқиш тезлиги, $v = 1,5 - 2$ м/с.

Сув қувури тармоғи диаметри олинган ҳисобий қиймати энг яқин катта кесимгача яхлитланади ГОСТу: 100, 125, 150 мм.

3. БОСҚИЧЛИ ЛОЙИХАНИНГ ЧИЗМА ҚИСМИНИ БАЖАРИШ

- А1 ўлчамдаги қоғозда қуйидагилар чизилади:
 - объект қурилишининг тўрсимон графиги;
 - тўрсимон графикни чизиқли шаклда календарлаштириш;
 - мақбуллаштиришдан аввал ва кейин ишчиларга бўлган эҳтиёж графиги;

- 1:500, 1:200 масштабда қурилиш бош плани вақтинча бино ва иншоотлар экспликацияси ва шартли белгилар.

- А1 ёки А2 ўлчамда 2 вароқ қоғозга чизилади:
 - биринчи вароқга тўрсимон график, эрта муддатлар чизиқли графиги.
 - иккинчи вароқга – қурилиш бош плани.

Техник-иқтисодий кўрсаткичлар.

1. Умумий майдони $S_{зд} = \underline{\hspace{2cm}}$ м²;
2. Қурилиш ҳажми $V = \underline{\hspace{2cm}}$ м³;
3. Бахоси ҚМИ $C = \underline{\hspace{2cm}}$ минг.сум.
4. Умумий меҳнат ҳажми $Q = \underline{\hspace{2cm}}$ киши.кун;
5. Якуний маҳсулот бир бирлиги ҚМИ меҳнат ҳажми:
 $\underline{\hspace{2cm}}$ киши.кун/м²
 $\underline{\hspace{2cm}}$ киши.кун/м³
6. Ишчиларни максималъ сони $N_{max} = \underline{\hspace{2cm}}$
7. Ишчиларни ўртача сони $N_{ўр.} = \underline{\hspace{2cm}}$
8. Ишчилар ҳаракати нотекислиги коэффиценти $K_p = \underline{\hspace{2cm}}$
9. Вақт бўйича қурилиш жараёнларини биргаликда бажариш коэффиценти $K_c = \underline{\hspace{2cm}}$
10. Тўрсимон график зўриқиши кўрсаткичи $K_n = \underline{\hspace{2cm}}$
11. Тўрсимон график критик вақти кўрсаткичи $K_{к.в.} = \underline{\hspace{2cm}}$
12. Тўрсимон график захира вақти кўрсаткичи $K_{р.в.} = \underline{\hspace{2cm}}$
13. Курс лойихасида режалаштирилган қурилиш муддати $T_{кр} = \underline{\hspace{2cm}}$ ой.
14. Қурилиш меъёрий муддати $T_n = \underline{\hspace{2cm}}$ ой.
15. Қурилиш муддатини $\underline{\hspace{2cm}}$ ойга қисқарттириш.
16. Қурилиш муддатини қисқарттиришдан олинган иқтисодий самарадорлик:
 $T_{инвест.} = \underline{\hspace{2cm}}$ минг. сум.
 $T_{кур.таш.} = \underline{\hspace{2cm}}$ минг. сум.

Адабиётлар

1. Организация, планирование и управление строительным производством. Учебник для ВУЗов. Под редакцией Грабового П.Г. Издательство «Информ» -Л.; 2006г.
2. Организация строительного производства. Учебник для ВУЗов. Под общей редакцией Цая Т.Н. и Грабового П.Г. Издательство АСВ-М.; 1999г.
3. Дикман Д.Г. Организация строительного производства. Издательство АСВ-М.; 2006г.
4. Методические указания по разработке курсового проекта по дисциплине «Организация строительного производства». МИКХиС - М.; 2008г.
5. Соколов Г.К. Выбор кранов и технических средств для монтажа строительных конструкций. Учебное пособие. М.: МГСУ, 2002г.
6. СНИП 12-01-2004. «Организация строительства», М.; 2005г.
7. СНиП IV-2-82. Сметные нормы и правила.
8. СНИП 4-5-85 Приложение «Сборники единичных районных расценок на строительство конструкций и работы».
9. СНИП 1.04.03-96 «Нормы продолжительности строительства и задела в строительстве предприятий и сооружений».
10. ЕНиР. Единые нормы и расценки по видам работ.
11. ШНК 3.01.01-03. «Организация строительного производства».

1 - Илова

Объектларнинг тавсифлари

Вариант рақами	Объект номи	Бинова иншоотлар қурилди гана майдон, кв.м.	Қурилиш ҳажми куб. м	Қурилиш даврийлиги ойлар	Таъриқ даври, ойлар	Ер остки қисми ойлар	Ер устки қисми ойлар	Пардозлаш, ойларда.	Ускуналар монтажи, ойлар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	Бир секцияли 9 қаватли уй	236	8735	6	1	1	3	1	-
2.	6-секцияли йирик панелли уй	1037	20759	8	1	1	5	1	-
3.	16-қаватли 4-секцияли уй	1457	10973	11	1	3	5	2	-
4.	9-қаватли 6-секцияли уй	1842	46264	9	1	2	4	1,5	-
5.	3-қаватли мактаб биноси	1671	11635	11	1	-	-	-	-

6.	800 ўринга мўлжалланган оилавий поликлиника	966	18354	14	2	-	-	-	-
7.	Савдо маркази	5876	35325	18	3	-	-	-	5 13-18
8.	1200 кишилик кинотеатр	1418	24203	25	2,5	-	-	-	-
9.	500 ўринли маданият саройи	2582	12240	19	1	-	-	-	-
10.	21-қаватли меҳмонхона	1260	87903	26	3	-	-	-	-
11.	Универсаль саноат корпуси	1742 4	72408	18	3	-	-	-	8 8-15
12.	Оғир мотоцикллар ишлаб чиқарувчи заводининг асосий корпуси	5836 8	96657 5	24	4	-	-	-	12 11-22
13.	Механизмлар ни таъмирлаш цеҳи	3456	11897 8	18	4	-	-	-	5 12-16

